Нимесулид жигарда турли йўллар билан фаол метаболланади, шу жумладан, цитохром P450 (CYP) 2C9 изоферменти иштирокида. Шунинг учун, нимесулидни P450 (CYP) 2C9 цитохром изоферменти иштирокида метаболланадиган дорилар билан бир вақтда қўллашда дориларнинг ўзаро таъсири эҳтимолини ҳисобга олиш керак ("Дориларнинг ўзаро таъсири" бўлимига қarang).

Асосий метаболит нимесулиднинг фармакологик фаол парагидрокси ҳосиласи ҳисобланади. Ушбу метаболит қон плазмасида препаратни қабул қилганидан кейин қисқа вақт ўтгач (тахминан 0,8 соат) аниқланади, аммо унинг ҳосил бўлиш тезлиги константаси паст (нимесулиднинг сўрилиш тезлиги константасидан сезиларли даражада паст). Гидроксинимесулид қон плазмасида топилган ягона метаболит ҳисобланади. Ушбу метаболит деярли бутунлай боғланган шаклда мавжуд.

Ярим чиқарилиш даври ($T_{1/2}$) 3,2-6 соатни ташкил қилади.

Нимесулид танадан асосан буйраклар орқали чиқарилади (қабул қилинган дозанинг тахминан 50%; нимесулиднинг 1-3% эса ўзгармаган ҳолда чиқарилади). Асосий метаболит бўлган гидроксинимесулид фақат глюкуронат шаклида мавжуд. Қабул қилинган миқдорнинг тахминан 29% ичак орқали метаболланган шаклда чиқарилади.

Кекса ёшдаги одамларда нимесулиднинг фармакокинетик профили бир марталик ва такрорий дозаларни қўллашда ўзгармайди.

Енгил ва ўртача даражадаги буйрак етишмовчилиги бўлган беморларда (креатинин клиренси 30-80 мл/мин) ва соғлом кўнгиллиларда ўтказилган қисқа муддатли тадқиқотда қон плазмасидаги нимесулид ва унинг асосий метаболитининг $C_{\max}$ соғлом кўнгиллиларга қараганда юқори эмас эди. Буйрак етишмовчилиги бўлган беморларда AUC ва яримпарчаланиш даври ($T_{1/2}$) қийматлари 50% юқори эди, лекин ҳар доим нимесулидни қўллаш пайтида соғлом кўнгиллиларда кузатилган фармакокинетик параметрлар оралиғида бўлган. Такрорий фойдаланиш нимесулиднинг тўпланишига олиб келмади. Нимесулид жигар етишмовчилиги бўлган беморларда қўллаш мумкин эмас.

Фармакодинамикаси

Нимесулид яллиғланишга қарши, оғриқ қолдирувчи ва иситмани туширувчи таъсирга эга бўлган ностероид яллиғланишга қарши восита (НЯҚВ) бўлиб, улар простагландинлар синтезида иштирок этадиган циклооксигеназа ферментини ингибиция қилиш натижасида юзага келади.

Селектив бўлмаган НЯҚВ дан фарқли ўлароқ, нимесулид асосан циклооксигеназа-2 (ЦОГ-2) ни ингибиция қилади, яллиғланиш жойида простагландинлар синтезини тормозлайди; циклооксигеназа-1 (ЦОГ-1) га камроқ яққол сусайтирувчи таъсир кўрсатади.

Қўлланилиши

Ревматоид артрит, остеоартрит, остеоартроз, синовит, бурсит, тендинит, тендовагинит, спондилоартрит, Бехтеров касаллиги, оғриқлар (шу жумладан бош, тиш, операциядан кейинги ва жароҳатлардан кейинги оғриқлар), иситма синдроми (инфекцион- яллиғланиш, гинекологик, урологик ва қон томир касалликларида), шунингдек юмшоқ тўқималарни ва таянч ҳаракат аппаратини жароҳатли яллиғланиши, невралгия, миалгия, альгодисменореяда қўлланади.

Қўллаш усули ва дозалари

Катталар ва 12 ёшдан ошган болалар: Нимесулид ичга, кунига 2 марта 1 пакетчадан (100 мг нимесулид) қабул қилинади. Препаратни овқатдан кейин қабул қилиш тавсия этилади. Пакетчанинг ичидагиси стаканга солинади ва тахминан 100 мл сувда эритилади.

Тайёрланган эритмани сақлаш мумкин эмас.

Болалар: Нимесулид фақат 12 ёшдан ошган беморларни даволаш учун ишлатилади.

12 ёшгача бўлган болалар: нимесулид ўз ичига олган препаратларни қўллаш мумкин эмас. Катталар ва 12 ёшдан ошган болалар учун максимал суткалик доза 200 мг (овқатдан кейин кунига икки марта 1 пакет).

Буйрак функцияси бузилган беморлар: Фармакокинетик маълумотларга асосланиб, буйрак етишмовчилигининг енгил ва ўртача шакллари бўлган беморларда (КК 30-80 мл/мин) дозани тўғирлашнинг хожати йўқ.

Кекса ёшдаги беморлар: кекса беморларни даволашда суткалик дозани тўғирлаш зарурати бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсир қилиш имкониятидан келиб чиққан ҳолда шифокор томонидан белгиланади.

Нимесулид билан даволашнинг максимал давомийлиги 15 кун.

Ножўя таъсирлари

Назорат қилинадиган клиник тадқиқотларда* (тахминан 7800 бемор) ва маркетингдан кейинги тадқиқотларда аниқланган ножўя таъсирлар қуйидаги тасниф кўра қуйида келтирилган: жуда тез-тез ($\geq 1/10$), тез-тез ($\geq 1/100$, $< 1/10$), тез-тез эмас ($\geq 1/1000$, $< 1/100$), камдан-кам ($\geq 1/10\,000$, $< 1/1000$), жуда кам ($< 1/10\,000$), шу жумладан алоҳида хабарлар.

Клиник тадқиқотлар ва эпидемиологик маълумотлар шуни кўрсатадики, баъзи НЯҚВ ларни, айниқса юқори дозаларда ва узоқ вақт давомида қўллаш, артериал тромбоз (масалан, миокард инфаркти ёки инсульт) хавфининг биров ошиши билан боғлиқ бўлиши мумкин

(“Махсус кўрсатмалар” бўлимига қаранг).

НЯҚВ ларни қўллаш пайтида шиш пайдо бўлиши, артериал босимнинг ортиши ва юрак етишмовчилигининг ривожланиши ҳақида хабарлар мавжуд. Буллёз реакциялар, шу жумладан, Стивенс-Джонсон синдроми ва токсик эпидермал некролиз жуда кам ҳолларда қайд этилган. Энг кўп кузатиладиган ножўя ҳодисалар ошқозон-ичак тракти томонидан кузатилади. Пептик яралар, перфорация ёки ошқозон-ичакдан қон кетиши, баъзи ҳолларда ҳаёт учун хавфли ҳолатлар, айниқса кекса ёшдаги беморларда (“Махсус кўрсатмалар” бўлимига қаранг) ривожланиши мумкин.

Мавжуд маълумотларга кўра, нимесулид сақлаган препаратларни қўллашда кўнгил айланиши, қусиш, диарея, метеоризм, ич қотиши, диспепсия, қорин оғриғи, мелена, қонли қусиш, ярали стоматит, колит ва Крон касаллигининг кучайиши мумкин (“Махсус кўрсатмалар” бўлимига қаранг). Гастритлар камроқ кузатилган.

Қон ва лимфа тизимининг бузилиши:

- Камдан кам: анемия*, эозинофилия*, геморрагия;
- Жуда камдан-кам: тромбоцитопения, панцитопения, тромбоцитопеник пурпура, қон кетиш вақтининг узайиши.

Иммунитет тизимининг бузилиши:

- Камдан кам: юқори сезувчанлик реакциялари*;
- Жуда кам: анафилактоид реакциялар.

Моддалар алмашинуви ва овқатланишининг бузилиши:

- Камдан кам: гиперкалиемиа*.

Руҳий бузилишлар:

- Камдан-кам: қўрқув ҳисси*, асабийлашиш*, тунги “даҳшатли” тушлар.

Асаб тизимининг бузилишлари:

- Тез-тез эмас: бош айланиши*, карлик ҳисси;
- Жуда кам: бош оғриғи, уйқучанлик, энцефалопатия (Рейе синдроми).

Кўриш аъзолари томонидан бузилишлар:

- Камдан-кам: ноаниқ кўриш*;
- Жуда кам: кўришнинг бузилиши.

Эшитиш аъзоси томонидан ва лабиринт аппарати томонидан бузилишлар:

- Жуда кам: вертиго.

Юрак касалликлари:

- Камдан-кам: тахикардия*.

Қон томир касалликлари:

- Тез-тез эмас: артериал босимнинг ошиши*;
- Камдан-кам: геморрагиялар*, қон босимининг ўзгарувчанлиги, юз терисида “қизиш” ҳисси.

Нафас йўллари, кўкрак қафаси аъзолари ва кўкс оралиғи томонидан бузилишлар:

- Тез-тез эмас: нафас қисиши*;
- Жуда кам: астма, бронхоспазм.

Ошқозон-ичак тракти касалликлари:

- Тез-тез: диарея*, кўнгил айланиши*, қусиш*;
- Тез-тез эмас: ич қотиши*, метеоризм*, ошқозон-ичакдан қон кетиши, ошқозон яраси ва/ёки ошқозон ёки ўн икки бармоқли ичакнинг перфорацияси;
- Жуда кам: гастрит*, қорин оғриғи, диспепсия, стоматит, қатронли ахлат.

Жигар ва ўт йўллариининг бузилиши:

- Кўпинча: «жигар» ферментлари даражасининг ошиши*;
- Жуда кам: гепатит, кучли (фульминант) гепатит (ўлим билан туговчи), сариклик, холестаза.

Тери ва тери ости тўқималарининг касалликлари:

- Тез-тез эмас: терининг қичиши*, тери тошмаси*, терлашнинг кучайиши;

- Камдан кам: эритема*, дерматит*;
- Жуда кам: эшакеми, ангионевротик шиш, юзнинг шишиши, кўп шаклли эритема, Стивенс-Джонсон синдроми, токсик эпидермал некролиз.

Буйраклар ва сийдик чиқариш тизимининг бузилиши:

- Камдан кам: дизурия*, гематурия*;
- Жуда камдан-кам: сийдикни ушлаб туриш*, буйрак етишмовчилиги, олигурия, интерстициал нефрит.

Умумий бузилишлар:

- Тез-тез эмас: шишлар*;
- Камдан кам: дармонсизлик*, астения*;
- Жуда кам: гипотермия.

* Тез-тезлиги клиник тадқиқотлар натижаларига асосланади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- Нимесулидга ёки препаратнинг бошқа таркибий қисмларига юқори сезувчанлик;
- анамнезида ацетилсалицил кислотаси (АСК) ёки бошқа НЯҚВ ларни қўллаш билан боғлиқ гиперергик реакциялар (бронхоспазм, ринит, эшакеми);
- анамнезида нимесулидга гепатотоксик реакциялар;
- потенциал гепатотоксиклиги бўлган бошқа дори препаратлари билан бир вақтда қўллаш (масалан, бошқа НЯҚВ лар);
- аортокоронар шунтлаш операциясидан кейинги давр;
- иситма ва/ёки гриппга ўхшаш аломатлар мавжудлиги;
- ўткир боскичда ошқозон ёки ўн икки бармоқли ичакнинг яраси; ўткир боскичда ошқозон-ичак трактининг эрозив ва ярали шикастланиши; анамнезида ошқозон-ичак трактининг эрозив ва ярали шикастланиши; анамнезида перфорация ёки ошқозон-ичакдан қон кетишлари, шу жумладан олдинги НЯҚВ терапияси билан боғлиқ;
- цереброваскуляр қон кетишлар ёки бошқа фаол қон кетиш ёки қон кетишининг кучайиши билан кечадиган касалликлар;
- қон ивишининг жиддий бузилиши;
- оғир юрак етишмовчилиги;
- оғир буйрак етишмовчилиги (креатинин клиренси <30 мл/мин);
- жигар етишмовчилиги;
- 12 ёшгача бўлган болалар;
- ҳомиладорлик ва эмизиш даври;
- алкоголизм, гиёҳвандлик;
- ирсий фруктоза ўзлаштира олмаслик, сахароза-изомальтаза етишмовчилиги ва глюкоза-галактоза мальабсорбция синдроми.

Эҳтиёткорлик билан:

Артериал гипертензия, қандли диабет, компенсацияланган юрак етишмовчилиги, тасдиқланган юрак ишемик касаллиги, цереброваскуляр касалликлар, дислипидемия / гиперлипидемия, 'периферик артерия касалликлари, чекиш, буйрак етишмовчилиги (креатинин клиренси 30-60 мл/мин); анамнезда ошқозон-ичак касалликлари, шу жумладан ярали колит, Крон касаллиги; кекса ёш; НЯҚВ ларни узоқ муддатли қўллаш, қуйидаги дорилар билан бир вақтда қўллаш: антикоагулянтлар (масалан, варфарин), антиагрегантлар (масалан, АСК), оғиз орқали глюкокортикостероидлар, серотонинни қайтариб олиш селектив ингибиторлари.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Фармакодинамик ўзаро таъсирлар

Бошқа ностероид яллиғланишга қарши дорилар (НЯҚВ)

Нимесулид сақлаган дори препаратларни бошқа ностероид яллиғланишга қарши воситалар,

шу жумладан яллиғланишга қарши таъсирга эришиладиган дозаларда (бир марта > 1 г ёки кунига > 3 г) ацетилсалицил кислотаси билан биргаликда қўллаш тавсия этилмайди.

Антикоагулянтлар

НЯҚВ лар варфарин каби антикоагулянтларнинг таъсирини кучайтириши мумкин. Варфарин, шунга ўхшаш антикоагулянтлар ёки ацетилсалицил кислотасини қабул қиладиган беморларда нимесулид билан даволашда қон кетиш каби асоратлар хавфи ортади. Шу сабабли, бу комбинация тавсия этилмайди ва оғир қон даражадаги ивиши бузилишлари бўлган беморларда қўллаш мумкин эмас. Агар комбинацияланган фойдаланишдан қочишнинг иложи бўлмаса, антикоагулянтларнинг фаоллигини диққат билан кузатиб бориш керак.

Антиагрегантлар ва серотонинни қайтариб олиш селектив ингибиторлари (СҚСИ)

Антиагрегантлар ва серотонинни қайтариб олиш селектив ингибиторлари (СҚСИ) ошқозон-ичак трактида яралар ёки қон кетиш хавфини оширади.

Кортикостероидлар

Кортикостероидлар ошқозон-ичак трактида яралар ёки қон кетиш хавфини ошириши мумкин.

Диуретиклар, ангиотензинга айлантирувчи фермент (ААФ) ингибиторлари, ангиотензин II рецепторлари антагонистлари (АРА)

НЯҚВ лар диуретиклар ва бошқа гипотензив воситаларнинг таъсирини сусайтириши мумкин. Буйрак функцияси сусайган баъзи беморларда (масалан, сувсизланиши бўлган беморларда ёки буйрак функцияси бузилган кекса беморларда) ААФ ингибиторлари ва циклоксигеназа ингибиторлари биргаликда қўлланилганда, буйрак функциясининг ёмонлашуви ривожланиши мумкин, шу жумладан, одатда қайтариладиган хусусиятга эга ўткир буйрак етишмовчилиги пайдо бўлиши мумкин.

Нимесулидни ААФ ёки АРА ингибиторлари билан биргаликда қабул қилган беморларда ушбу ўзаро таъсирларнинг мавжудлигини ҳисобга олиш керак. Шунинг учун ушбу препаратлар комбинацияси, айниқса кекса беморларда эҳтиёткорлик билан буюрилиши керак. Беморларга етарли миқдорда суюқлик олиш керак, шунингдек, уларнинг буйрак фаолиятини назорат қилиш зарурати комбинацияланган терапия бошлангандан кейин ва вақти-вақти билан текширилиши керак.

Фармакокинетик ' ўзаро таъсир: нимесулиднинг бошқа дори воситаларининг фармакокинетикасига таъсири

Фуросемид

Соғлом кўнғиллиларда нимесулид фуросемиднинг натрийнинг чиқарилишига ва камроқ даражада калийнинг чиқарилишига таъсирини вақтинча заифлаштирди, шунингдек унинг диуретик таъсирини камайтирди. Нимесулид ва фуросемидни биргаликда қўллаш АУС қийматининг пасайишига (тахминан 20%) ва фуросемиднинг буйрак клиренсига таъсир қилмасдан тўлиқ чиқарилишига олиб келади.

Буйрак ёки юрак патологиясини ривожланишга мойиллиги бўлган беморларга фуросемид ва нимесулидни биргаликда буюришда эҳтиёт бўлиш керак - "Махсус кўрсатмалар" бўлимида тавсифланганидек.

Литий

НЯҚВлар литийнинг клиренсини камайтиради, натижада унинг қон плазмасидаги концентрацияси ва литийнинг токсиклиги ошади. Агар нимесулид литий препаратлари терапиясини олган беморларга буюрилса, литийнинг даражасини диққат билан назорат қилиш керак.

Фармакокинетик ўзаро таъсирлар ва бошқа дори воситаларининг нимесулиднинг фармакокинетикасига таъсири

in vitro тадқиқотлар шуни кўрсатдики, толбутамид, салицил кислотаси ва валпроик кислотаси нимесулидни боғланиш жойларидан сиқиб чиқаради. Бироқ, плазма концентрациясига мумкин бўлган таъсирга қарамай, бу ўзаро таъсирнинг клиник аҳамияти

исботланмаган.

Қўшимча маълумот

Бундан ташқари, глибенкламид, теофиллин, варфарин, дигоксин, циметидин ва антацид препаратлар (яъни алюминий гидроксид ва магний гидроксид бирикмаси) билан потенциал фармакокинетик ўзаро таъсирлар *in vivo* ўрганилган. Ўзаро таъсирнинг клиник аҳамияти кузатилмади.

Нимесулид СYP2C9 цитохромини ингибиция қилади. Нимесулид препарати билан ушбу ферментнинг субстрати бўлган дори воситаларини бир вақтда қабул қилганда, ушбу воситаларнинг плазмадаги концентрацияси ошиши мумкин.

Нимесулидни метотрексатни қабул қилишдан 24 соат олдин ёки ундан кейин 24 соатдан камроқ вақт ичида буюришда эҳтиёт бўлиш керак, чунки бундай ҳолларда плазмада метотрексатнинг даражаси ва шунга мос равишда ушбу препаратнинг токсик таъсири ошиши мумкин.

Буйрак простагландинларига таъсири туфайли простагландин синтетаза ингибиторлари, масалан, нимесулид циклоспоринларнинг нефротоксиклигини ошириши мумкин.

Махсус кўрсатмалар

Симптомларни енгиллаштириш учун зарур бўлган энг қисқа вақт давомида препаратни энг паст самарали дозада қўллаш орқали ножўя таъсирларни камайтириш мумкин.

Агар беморнинг аҳволи яхшиланмаса, даволанишни тўхтатиш керак.

Нимесулидни бошқа НЯҚВ лар, шу жумладан циклоксигеназа-2 нинг селектив ингибиторлари билан биргаликда ишлатишдан қочиш керак. Беморларга Нимесулид препарати билан даволаш пайтида бошқа анальгетик воситаларни қабул қилишдан бош тортиш тавсия қилиш керак.

Нимесулид препарати таркибида сахароза мавжуд. Камдан кам учрайдиган ирсий фруктоза ўзлаштира олмаслик, глюкоза-галактоза мальабсорбцияси ёки сахароза-изомальтаза етишмовчилиги бўлган беморлар ушбу препаратни қабул қилмасликлари керак.

Жигарга таъсири

Жигар томонидан жиддий реакцияларнинг камдан-кам ҳолатлари, шу жумладан ўлимга олиб келадиган жуда кам ҳолатлари нимесулидни қабул қилиш билан боғлиқ. Нимесулид билан даволаш пайтида жигар шикастланишига мос келадиган аломатлар пайдо бўлган беморларда (масалан, анорексия, қўнгил айниши, қусиш, қорин оғриғи, чарчоқ, сийдик тўқлашиши) ёки жигарнинг функционал тест натижалари нормадан четланиши бўлган беморларда препаратни тўхтатиш керак. Бундай беморлар нимесулидни такрорий қўллаш билан синовдан ўтмасликлари керак. Препаратнинг қисқа муддатли таъсиридан кейин кўп ҳолларда қайтариладиган жигар шикастланишининг ривожланиши таърифланган.

Нимесулидни қабул қилиш пайтида тана ҳароратининг кўтарилиши ва / ёки гриппга ўхшаш аломатлар пайдо бўлган беморлар даволанишни тўхтатишлари керак.

Ошқозон-ичак трактига таъсири

Ҳар қандай НЯҚВларни қўллашда даволашнинг турли босқичларида огоҳлантирувчи белгилар пайдо бўлиши билан ҳам, шунингдек уларсиз ҳам, шунингдек, анамнезида жиддий ошқозон-ичак асоратлари мавжудлигидан қатъи назар, ошқозон-ичакдан қон кетиш, яралар ёки перфорациялар (баъзи ҳолларда ҳаёт учун хавфли) пайдо бўлиши ҳақида хабарлар мавжуд.

Ошқозон-ичак трактидан қон кетиш ва ошқозон яраси пайдо бўлиши ёки перфорацияси хавфи анамнезда яраси бўлган беморларда, айниқса қон кетиш ёки перфорация билан асоратланган беморларда ва кекса ёшдаги беморларда НЯҚВларнинг дозасини ошириш билан ортади. Бундай беморларни даволаш препаратни мумкин бўлган энг паст дозадан бошлаш керак. Ушбу беморлар, шунингдек, паст дозали аспирин ёки ошқозон-ичак касалликлари хавфини оширадиган бошқа дорилар билан бир вақтда даволанишни талаб қиладиган беморлар учун ҳимоя препаратлари (масалан, мизопростол ёки протон насослари

ингибиторлари) билан комбинацияланган терапия кўриб чиқилиши керак.

Анамнезида ошқозон-ичак трактида захарланиш бўлган беморлар, айниқса кексалар бўлса, қорин бўшлиғидаги ҳар қандай ноодатий симптомлар (биринчи навбатда, ошқозон-ичакдан қон кетиш) ҳақида, биринчи навбатда, даволанишнинг дастлабки босқичларида хабар беришлари керак.

Ошқозон-ичак трактида қон кетиши, яра шаклланиши/перфорацияси даволанишнинг исталган вақтида - огоҳлантирувчи белгилар пайдо бўлиши билан ҳам, кўринмасдан ҳам, анамнезда ошқозон-ичак тракти патологияси мавжудлиги ёки йўқлигидан қатъи назар ривожланиши мумкин. Агар ошқозон-ичакдан қон кетиш ёки ошқозон яраси ривожланса, нимесулид билан даволаш дарҳол тўхтатилиши керак. Нимесулидни анамнезида ошқозон-ичак касалликлари, шу жумладан ошқозон яраси, ошқозон-ичакдан қон кетиш, ярали колит ва Крон касаллиги бўлган беморларга эҳтиёткорлик билан қўллаш керак.

Препаратни ошқозон яраси ёки қон кетиш хавфини ошириши мумкин бўлган воситаларни қабул қиладиган беморларга эҳтиёткорлик билан буюриш керак: ичиш учун кортикостероидлар, антикоагулянтлар, масалан, варфарин, серотонинни қайтариб олиш селектив ингибиторлари ёки аспирин каби антиагрегантлар.

Нимесулид билан даволаш пайтида ошқозон-ичак трактида қон кетиши юзага келса, препаратни қўллашни тўхтатиш керак.

НЯҚВларни анамнезида ошқозон-ичак тракти касалликлари (ярали колит, Крон касаллиги) бўлган беморларга эҳтиёткорлик билан буюриш керак, чунки вазият ёмонлашиши мумкин.

Кекса ёшдаги шахслар

Кекса ёшдаги беморларда НЯҚВ ларга салбий реакциялар частотаси кўпайиши мумкин, айниқса ошқозон-ичак трактидан қон кетиш ва тешилиш (баъзи ҳолларда ҳаёт учун хавфли), шунингдек, буйраклар, жигар ва юрак фаолиятининг бузилишида. Шунинг учун бундай беморларга тегишли клиник назорат остида бўлиш тавсия этилади.

Тери реакциялари

НЯҚВларни қўллаш билан боғлиқ ҳолда, эксфолиатив дерматит, Стивенс-Джонсон синдроми ва токсик эпидермал некролиз (Лайелл синдроми) каби, баъзида ўлимга олиб келадиган оғир тери реакцияларининг жуда кам ҳолатлари тасвирланган. Беморларда ушбу реакциялар учун энг катта хавф даволашнинг бошида бўлади ва кўпинча бу реакциялар даволанишнинг биринчи ойида содир бўлади. Агар тери тошмаси, шиллиқ қаватнинг шикастланиш белгилари ёки юқори сезувчанликнинг бошқа белгилари пайдо бўлса, нимесулидни тўхтатиш керак.

Нимесулидни қўллашда аниқланган дори тошмаси (АДТ) ҳолатлари ҳақида хабар берилган. Нимесулид билан боғлиқ анамнезида АДТ бўлган беморларга нимесулидни қайта буюриш мумкин эмас.

Буйрак фаолиятига таъсири

Препаратни буйрак ёки юрак фаолияти бузилган беморларга эҳтиёткорлик билан буюриш керак, чунки нимесулидни қўллаш буйрак функциясининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин. Агар у ёмонлашса, даволанишни тўхтатиш керак.

Фертиллиikka таъсири

Нимесулид препаратини қўллаш аёлларнинг репродуктив функциясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, шунинг учун ҳомиладорликни режалаштирган аёллар учун препарат тавсия этилмайди. Ҳомиладор бўлиш қийин бўлган ёки бепуштлиқ бўйича текширувдан ўтаётган аёллар учун Нимесулидни тўхтатиш имкониятини кўриб чиқиш керак.

Юрак-қон томир тизими ва бош миё томирларига таъсири

Артериал гипертензия ва/ёки енгил ва ўртача даражадаги турғун юрак етишмовчилиги бўлган беморлар назорат ва тавсияларни талаб қилади, чунки НЯҚВ билан даволаш пайтида тўқималарда суюқликни ушлаб туриш ва шишлар пайдо бўлиши мумкин.

Клиник тадқиқотлар ва эпидемиологик маълумотлар шуни кўрсатадики, баъзи НЯҚВ ларни (айниқса, юқори дозаларда ва узоқ вақт давомида) қўллаш билан артериал тромбоз ва унинг

окибатлари (масалан, миокард инфаркти ёки инсульт) хавфи бироз ошиши мумкин. Нимесулидни қўллашда бундай хавфни истисно қилиш учун маълумотлар етарли эмас.

Назорат қилинмаган артериал гипертензия, турғун юрак етишмовчилиги, тасдиқланган юрак ишемик касаллиги, периферик артериялар ва/ёки бош мия томирлари касалликлари бўлган беморларга нимесулид фақат барча омилларни тўлиқ баҳолагандан кейин буюрилиши керак. Юрак-қон томир касалликлари учун хавф омиллари (гипертензия, диабет, чекиш каби) бўлган беморларда узоқ муддатли даволанишни бошлашдан олдин шунга ўхшаш баҳолаш ўтказилиши керак.

Нимесулид тромбоцитлар функциясини ўзгартириши мумкинлиги сабабли, уни геморрагик диатезли беморларни даволашда эҳтиёткорлик билан ишлатиш керак. Бироқ, Нимесулид юрак-қон томир касалликларининг олдини олишда асетилсалицил кислотасини алмаштирмайди.

Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўлланиши

Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида нимесулидни қўллаш мун эмас.

Ҳомиладорлик

Простагландин синтези босими ҳомиладорлик ва/ёки эмбрион ва ҳомила ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Эпидемиологик тадқиқотлар натижалари шунини кўрсатадики, ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларида қўлланиладиган простагландинлар синтезини бостирадиган препаратлар ҳомилада ўз-ўзидан аборт қилиш хавфини, шунингдек, ҳомилада юрак нуқсонлари ва қорин олд деворининг ёрилишлари ривожланиши мумкин; шундай қилиб, юрак-қон томир аномалияларини ривожланишнинг мутлақ хавфи тахминан 1% дан 1,5% гача ошди. Доза ва фойдаланиш давомийлиги ошиши билан хавф ортади, деб ҳисобланади.

Ҳомиладорликнинг 20-ҳафтасидан бошлаб аёлларда НЯҚВ ларни қўллашда сув камайиши ва/ёки янги туғилган чақалоқларда буйрак патологияси (неонатал буйрак дисфункцияси) ривожланиши мумкин.

Ҳомиладорликнинг охирида онада ва янги туғилган чақалоқларда тромбоцитлар агрегациясини бостириш билан боғлиқ қон кетиш вақти узайиши мумкин, бу препаратни жуда паст дозаларда қўллашда ҳам содир бўлиши мумкин, шунингдек, бачадон қисқариш фаоллигини бостириш, туғруқнинг кечикиш ёки узоқ муддатли туғилишга олиб келади.

Эмизиш даври

Нимесулиднинг она сутига кириб бориши ҳақида маълумотлар йўқ. Нимесулидни эмизиш даврида қўллаш мумкин эмас.

Фертиллик:

Нимесулид ўз ичига олган препаратлар, бошқа НЯҚВ лар каби, ҳомиладорликни режалаштираётган аёлларга тавсия этилмайди ("Махсус кўрсатмалар" бўлимига қаранг). Ҳомиладор бўлиш билан боғлиқ муаммоларга дуч келган ёки бепуштлиқ текширувидан ўтаётган аёлларда Нимесулид препаратини тўхтатиш ҳақида ўйлаш керак.

Болаларда қўлланилиши

Нимесулид фақат 12 ёшдан ошган беморларни даволаш учун ишлатилади.

12 ёшгача бўлган болалар: нимесулид ўз ичига олган препаратларни қўллаш мумкин эмас.

Автомобил ҳайдаш ва мураккаб механизмларни бошқариш қobiliятига таъсири

Автотранспорт ҳайдовчилари ва касби диққатни жамлаш билан боғлиқ бўлган одамлар учун ишлаганда эҳтиёткорлик билан фойдаланилсин.

Дозани ошириб юборилиши

Симптомлари: апатия, летаргия, уйқучанлик, кўнгил айланиши, қусиш (одатда беморларга тутиб турувчи парвариш кўрсатилганда қайтувчи), эпигастрал соҳада оғриқлар, меъда-ичак қон кетишлари, артериал гипертензия, ўткир буйрак етишмовчилиги, нафасни сусайиши, анафилактик реакция, кома.

Даволаш: махсус антидоти йўқ. Агарда дозани ошириб юборилиши охирги 4 соат давомида юз берган бўлса, қусишни чақириш, фаоллаштирилган кўмирни қабул қилиш (катта одам учун 60-100 г), осмотик сургиларни қўллаш керак. Жадаллаштирилган диурез, гемодиализ препаратни оксиллар билан юқори боғланиши туфайли самарасиз. Симптоматик ва тутиб турувчи даволаш ўтказилади.

Чиқарилиш шакли

2 г дан қоғоз саше-пакетчаларда ичга қабул қилиш учун суспензия тайёрлаш учун кукун. Саше-пакетлар тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланади, 10, 20, 30 донадан.

Сақлаш шароити

Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Препарат болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилиқ муддати

3 йил.

Яроқлилиқ муддати ўтганидан сўнг ишлатилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи:

"RADIKS" МЧЖ,

Ўзбекистон Республикаси, 100054, Тошкент ш., Лутфий кўч, 50.

Тел.: (+99871) 273-92-31, факс: (+99871) 273-80-58.



Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:

"RADIKS" МЧЖ,

Ўзбекистон Республикаси, 100054, Тошкент ш. Лутфий кўч., 50.

Тел.: (+99871) 273-43-98, факс: (+99871) 273-80-58.